



Эртанги фаровон ҳаётимизнинг ишончли кафолати

Бугун янги Ўзбекистон инсонпарвар, адолатли, эркин ва халқчил давлат қуриш йўлида одимламоқда. Шу мақсадда, янги тахрирдаги Конституциямизнинг 1-моддасида “Ўзбекистон – ҳуқуқий давлат” деган тамойил мустаҳкамланмоқда.



Зухра ИБРАГИМОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари,
“Адолат” СДП фракцияси раҳбари

Янги тахрирдаги Конституция жамиятимизнинг эволюцион ривожланишидан келиб чиқётган ҳаётини зарурат бўлиб, бу адолатли жамият барпо этиш йўлидаги улкан қадам ҳисобланади. Ўзбекистонда амалга оширилаётган конституциявий ислохотларнинг бош мақсади инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини олий қадрият деб тан олган Ўзбекистоннинг кўп миллатли халқи хоҳиш-иродасини рўйбга чиқаришдир. Янги тахрирдаги Конституцияда илгари амал қилиб келган “давлат – жамият – инсон” тамойилини “инсон – жамият – давлат” деб ўзгартириш, яъни энг аввало инсон манфаатини ҳар нарсадан устун қўйиш бош мақсад қилинган.

Хусусан, Конституциямизнинг амалдаги 26-моддасида шахнинг иши судда кўриб чиқилиб, унинг айби аниқланмагунча у айбдор ҳисобланмаслиги белгиланган бўлса, эндиликда (28-модда) суднинг қонуний қучга кирган ҳукми билан аниқланмагунча у айбсиз ҳисобланиши мустаҳкамланмоқда.

Бош қомусимизда айбдорликка оид барча шубҳалар, агар уларни бартараф этиш имконияти туганган бўлса, гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ёки маҳкумнинг фойдасига халқ қилиниши кераклиги қайд этилмоқда. Мазкур норма тўғридан-тўғри амал қилувчи қоида бўлиб, тергов ва суд жараёнида фақат ишончли ва қонуний далиллардан фойдаланиши таъминлайди ҳамда шахсни асоссиз равишда жавобгарликка тортиладан ҳимоя қилади.

Ҳозирги кунда “Адолат” СДП фракцияси аъзолари, маҳаллий кенгаш депутатлари “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тўғрисида”ги Конституциявий қонун лойиҳасининг мазмун-моҳияти юзасидан аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини олиб боришмоқда.

Масалан, биргина Қорақалпоғистон Республикасини оладиган бўлсак, бу ерда “Менинг Конституциям” шиори остида тарғибот ва ташвиқот тадбирлари кўтаринки руҳда ўтаётди. Фуқароларимиз, айниқса, ёшлар бу жараёнда фаол иштирок этиб, янгиланаётган Конституцияда жамиятнинг барча қатламлари манфаатлари инobatга олинганини таъкидламоқдалар.

Конституциямизга кўплаб концептуал янги нормалар киритилган, жумладан, 20-моддада инсоннинг давлат органлари билан ўзаро муносабатларда юзага келадиган қонунчиликдаги барча зиддиятлар ва ноаниқликлар инсон фойдасига таъкид этилиши кафолатланаётгани кўплаб фуқароларимиз томонидан илқик билан кутиб олинди.

Жойларда ўтказилаётган тарғибот-ташвиқот тадбирларидан кўрялмизки, ҳозир ҳар юрдошимиз Бош қомусимизга киритилган нормаларни яхши кайфиятда қарши олиб, юртимизда амалга оширилаётган Конституциявий ислохотлардан мамнуллигини билдирмоқда.

Умуман олганда, янгиланаётган Конституция мамлакатимизнинг узок мудатли тараққиёт стратегияси, юртимиз ва халқимизнинг эртанги фаровон ҳаёти учун мустаҳкам ҳуқуқий асос ва ишонч кафолати бўлиб хизмат қилади.

30 апрель – Ўзбекистон Республикаси референдуми куни ХАЛҚ МАНФААТЛАРИ АСОСИЙ МАҚСАД

“Адолат” СДП томонидан «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тўғрисида»ги Конституциявий қонун лойиҳасининг мазмун-моҳиятини аҳолига тушунтиришга бағишланган давра суҳбатлари, учрашувлар мамлакатимиз бўйлаб давом этмоқда.

Ушбу тадбирларнинг навбатдагиси Навоий, Самарқанд, Бухоро, Қашқадарё, Андижон вилоятлари ва Тошкент шаҳрида бўлиб ўтди.

Навоий давлат педагогика институтида “Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши раиси Баҳром Абдуҳалимов, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Инна Коржиқова иштирокида “Конституциявий ислохотлар – инсон шаъни ва кадр-қиммати учун” мавзусида маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.

Унда халқ депутатлари вилоят ва маҳаллий кенгашларидаги партия депутатлари, Навоий давлат педагогика институтининг профессор-ўқитувчилари ва талабалари, Навоий шаҳридаги ҳарбий қисм аскарлари, партия маҳаллий Кенгашлари ходимлари, партиянинг “Ёш адолатчилар” қаноти кенгаши раислари, Ёшлар парламенти аъзолари, фаол ва ташаббускор ёшлар, жамоатчилик ҳамда ом-

мавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Тадбирни “Адолат” СДП Навоий вилоят кенгаши раиси Рустам Хайитов кириш сўзи билан очиб берди.

Учрашувда партия Сиёсий Кенгаши раиси Баҳром Абдуҳалимов Бош қомусимизга киритилаётган ўзгартишларнинг мазмун-моҳияти, илмфан, таълим ривожига оид муҳим жиҳатлари, Асосий қонун-

нинг ҳуқуқий-демократик жамиятни барпо этишдаги роли, инсон қадри тамойилини янада мустаҳкамлаш, айниқса, ёшлар масаласига доир киритилаётган моддалар ҳар бир униб-ўсиб келаётган ёшнинг келажаги мустаҳкамланаётганидан далolat эканини асосли мисоллар билан тушутирди ва ўз фикрларини слайдлар орқали иштирокчилар эътиборига ҳавола этди. Маърузачи ҳуқуқий демократик давлат барпо этишда Бош қонунимиз ва унга киритилаётган ўзгартиш ҳамда қўшимчалар эволюцион ривожланишимизда муҳим аҳамиятга эга эканлиги, бу эса “Адолат” СДПнинг дастурий мақсадларига ҳамоҳанглигини таъкидлади.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Инна Коржиқова ўз сўзида Конституцияга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилаётгани замирида жамият ҳаётини янада демократлаштириш асосий мақсад қилиб олингани, ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларини тўлиқ кафолатлайдиган янги Қомус шаклланаётгани ҳамда Конституцияга киритилган бир қатор янги моддалар тўғрисида гапирди.

Халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати, НДПИ чет тиллар факультети декани Дилором

Шамсиева янгиланаётган Конституция барча жабҳаларни қамраб олганлиги, ҳаётини ва халқчилиги билан кенг орасида қўллаб-қувватланаётганидан партиянинг ўрни беқиёс эканини таъкидлаб, олийгоҳ жамоаси ва талабалари референдумда фаол иштирок этишини билдирди.

Байрамона руҳда ўтган тадбирда қозоқ, қорақалпоқ, рус ва бошқа миллат вакиллари билан иборат талабалар ҳам ўзлари учун энг муҳим бўлган конституциявий нормалар хусусида ийгиликларга сўзлаб берди.

Тадбир сўнгасида ёшлар “Конституция – барчамизники!”, “Конституция – ўзимизники” шиорлари остида 30 апрель куни ўтказилаётган референдумда барчани фаол иштирок этишга чорлашди.

АЖРАТИЛГАН МАБЛАҒ сарфланган бўлса, СУВ ҚАНИ?..

Президент қарорига бундай ёндашувни қандай изоҳлаш керак? Мазкур МЧЖ раҳбари Муроджон Аҳмедов билан кўп бора боғланишга, белгиланган вазифа ижроси юзасидан маълумот олишга ҳаракат қилдик. Лекин бирор бир самара бўлмади. Пуллар худди сув қумга сингиб кетгандек, на амалда ижроси бор, на бир бажарилиш режаси...

Энди нима қилиш керак? Вилоятимизда бу саволга жавоб берадиган бирор мутасадди топилармикан?!



Давра суҳбати

ФАОЛ ЁШЛАР ИШТИРОКИДА ОЧИҚ МУЛОҚОТ ЎТКАЗИЛДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ёшлар масалалари бўйича комиссиясининг тегишли қарорига мувофиқ «Адолат» социал-демократик партиясидан номзодлари илгари сурилган 24 нафар фаол ёшлар Ёшлар парламентига сайланди.

Партия Марказий аппарати мажлислар залида ташкил қилинган «Янгиланаётган Конституцияда ёшлар ҳуқуқ ва манфаатлари» мавзусидаги давра суҳбати доирасида партия Сиёсий Кенгаши раҳбарияти ва Марказий аппарат ходимлари билан партиядан Ёшлар парламентининг янги таркибига сайланган фаол ёшлар иштирокида очик мулоқот ташкил қилинди.



ХАЛҚ МАНФААТЛАРИ АСОСИЙ МАҚСАД



БУХОРО: “Прописка” – бу шунчаки паспортдаги бир муҳрига эмас, инсоннинг бутун ҳаётига таъсир килувчи тамга эди. У эркин ҳаракатланиш ҳуқуқини асосий чекловчи қонуности ҳужжатлар билан мустаҳкамланган.

Охириги беш йилда Президентимизнинг сиёсий иродаси туфайли узоқ йиллар давомида фуқароларни қийнаган “прописка” билан боғлиқ муаммолар тўлиқ барҳам топди. Энди бу масалага охириги нуқта қўйилмоқда — инсонларнинг Ўзбекистоннинг исталган жойида яшаш, уй-жой сотиб олиш ҳуқуқи Конституцияда белгилаб қўйилмоқда.

КАШКАДАРЁ: Янгиланаётган Конституцияда барча соҳаларни ривожлантириш катъий белгиланмоқда. Миллий иқтисодийни кўллаб-қувватлаш, кулай инвестиция муҳити яратилган алоҳида урғу берилмоқда. Бош қомусимизда аҳолининг барча қатламлари манфаатлари акс эттирилмоқда.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Дилшод Ҳамзаев иштирокида Ғузор тумани “Обод” МФИда жойлашган 1-сонли касб-хунара мактабда бўлиб ўтган тадбирда қайд этилганидек, янгиланаётган Конституцияга киритилаётган нормаларнинг яримдан кўпи инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг кафолатларини кучайтириш ва механизмларини мустаҳкамлашга қаратилган. Хусусан, Асосий қонунимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳар қимга тўғилганидан бошлаб тегишли бўлиши ўрин олган.

Шунингдек, янги тахрирдаги Конституцияда барчанинг — бир томондан давлат ва унинг органлари тизими, иккинчи томондан инсон, фуқаро ва жамиятнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари аниқ ва лўнда қилиб белгилаб берилмоқда.

— Қонунда белгиланганидан ташқари бошқа бирор-бир мажбуриятни бажаришга ҳеч қим мажбур эмас, — деди депутат Д.Ҳамзаев. — Конституцияга киритилаётган ушбу норма ҳаётий ҳақиқатларни рўйбега қиқарши орқали оддий одамларнинг ҳаётини янада янгилаштирилади.

Депутат Д.Ҳамзаевнинг Ғузор тумани “Гулшан” МФИда жойлашган 18-умумтаълим мактаби ҳамда “Авғонбой” МФИда бўлиб ўтган учрашувлари давомида ҳам Бош қомусимизга киритилаётган янгиланган ҳақида батафсил маълумотлар берилди.



ТОШКЕНТ ШАҲРИ: Ҳар бир давлат ўз фуқаролари билан муносабатга киришар экан, алоҳида ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади. Яъни, давлат ҳам, фуқаро ҳам ўзига хос ҳуқуқларга ва мажбуриятларга эга.

Масалан, давлат фуқаролар учун хавфсизлик, фаровонлик, тинчлик ва яхши ҳаёт кечирish учун шарт-шароитлар яратиш бериш каби мажбуриятга эга бўлса, фуқаролар қонунларга бўйсунмиш, бури ва мажбуриятларни бажариш каби масъулиятни ўз зиммасига олади.

Янгиланаётган Конституцияда ушбу принциплар алоҳида белгиланяпти. Фақуллода вазиятлар вазирлиги академиясида янгиланаётган Конституция мазмун-моҳиятига бағишлаб ўтказилган тадбирда шу ҳақида сўз юритилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Гулрух Агзамова Бош қомусимизга киритилаётган ўзгаришлар ҳақида сўз юритар экан, янги тахрирдаги Конституциянинг 20-моддасида Ўзбекистон Республикаси фуқароси ҳамда давлат бир-бирига нисбатан ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятлар билан боғлиқдир, деб белгилаб қўйилганини қайд этди. Мазкур модданинг иккинчи қисмида фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсизлиги, улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч қим ҳақи эмаслиги белгилаб қўйилган.

— Янги тахрирдаги Конституция лойиҳасида Ўзбекистон — ҳуқуқий давлат, деб белгиланмоқда. Хусусан,

Бухоро давлат университетиде янгиланаётган Конституциянинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятига бағишланган тадбирда бу ҳақида маълум қилинди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Қодир Жўраев иштирок этиб, Бош қомусимизга киритилаётган янгиланган ҳақида маълумот берди.

Таъкидланганидек, янги тахрирдаги Конституциянинг 32-моддасида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонуний асосларда турган ҳар қим мамлакат бўйлаб эркин ҳаракатланиш, турар ва яшаш жойини танлаш ҳуқуқига эга, бундан қонунда белгиланган чекловлар мустақно, деб белгилаб қўйилмоқда.

Ушбу модданинг иккинчи қисмида ҳар қим Ўзбекистондан ташқарига эркин чиқиш ҳуқуқига эга, бундан қонунда белгиланган чекловлар мустақно. Ўзбекистон Республикаси фуқароси Ўзбекистонга тўсқинликсиз қайтиш ҳуқуқига эгаллиги мустаҳкамлаб қўйилмоқда. Тадбирда сўз олганлар Бош қомусимизда ижтимоий давлатга хос ёндашув таълим соҳаси бўйича ҳам кўпгина модда ва нормаларда ўз ифодасини топаётгани, таълим ва илм-фанга оид нормалар қарийб 2 баробарга ошаётганлигини қайд этдилар.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Махфурат Хушвақтованинг Қарши муҳандислик институти талабалари билан бўлиб ўтган учрашуви ҳам самарали кечди. Очiq мулоқотда депутат янгиланаётган Конституцияга киритилаётган ўзгариш ва нормалар ҳусусида батафсил тушунчалар берди.



— Жумладан, ҳар бир шахс суднинг қарорисиз 48 соатдан ортқ мўддат ушлаб турилиши мўмкин эмаслиги белгиланяпти, — деди депутат. — Яъни, фуқаронинг эркинлигини чеклаш билан боғлиқ ҳар қандай ҳаракат фақатгина суд қарори асосида амалга оширилиши шарт. Ушбу қоида тергов органлари томонидан инсонларни ноқонуний ҳибсага олиш, асоссиз қамаш ва сақлашга йўл қўймаслиқка қаратилган. Бу орқали халқро эътироф этилган “Хабас корпус” институти қоидасини қўллаш кўлами янада кенгайди. Шунингдек, Конституцияда шк бор шахсни ушлаш чоғида унга тушунарли тилда унинг ҳуқуқлари ва ушлаб турилиши асослари тушунтирилиши шартлиги, айбланувчи ва судланувчиларга ўзига қарши кўрсатма бермаслик (халқро эътироф этилган “Миранда қоидаси”), сукут сақлаш ҳуқуқи берилмоқда.

Учрашув якунида депутат Махфурат Хушвақтова давра суҳбати иштирокчиларини 30 апрель куни ўтказиладиган Умумхалқ референдумида фаол иштирок этишга чорлади.

АНДИЖОН: Янгиланаётган Конституцияда инсон саломатлиги масаласи долзарб вазифалардан бири сифатида ўз ифодасини топмоқда. Бу айни вақтда тиббиёт ходимлари зиммасига масъулиятни янада оширади. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Мавлуда Адхамжонова иштирокида Андижон тумани марказий поликлиникасида ўтказилган давра суҳбатида айни шу мавзуда сўз юритилди.

Шифокорлар янги тахрирдаги Конституциядаги ўзгаришлар билан яқиндан танишганиларини билдиришди. Жумладан, тиббиётчиларга қаратилган эътиборни, уларнинг зўравонликлардан қонун билан ҳимояланишини кўллаб-қувватлади.



— Янгиланаётган Конституцияда инсон саломатлигини ҳимоялайди, — деди депутат Мавлуда Адхамжонова. — Унга кўра, ҳар қим соғлигини сақлаш ва малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга. Давлат соғлиқни сақлаш тизимини, унинг давлат ва нодавлат шакллари ривожлантириш чораларини кўради. Асосийси, фуқаролар тиббий ёрдамнинг кафолатланган ҳажмини давлат ҳисобидан олишга ҳақли.

Давра суҳбати 30 апрель куни бўлиб ўтадиган референдумда барчанинг иштироки ва тиббиёт ходимлари жараёнда фаоллик кўрсатишига чақирик билан яқунланди.



Мамлакатимиздаги конституциявий ислохотлар, аввало, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини тўлақонли ҳимоя қилишга қаратилгани, айнан “Инсон қадри учун” тамойили асосида кечаётгани билан алоҳида аҳамиятга эга. Зеро, янги тахрирдаги Конституцияда аҳолининг барча тоифалари — ёшлар, аёллар, ногиронлиги бўлган фуқаролар, ўқитувчилар ва ҳатто жиноят содир этган шахсларнинг ҳам ҳуқуқ ва манфаатлари акс этган. Айниқса, ўлим жазоси тақиқланиши конституциявий даражада белгиланиши инсонпарварликнинг муҳим ифодасидир.



Иномжон ҚУДРАТОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги «Адолат» СДП фракцияси аъзоси

ЯШАШ ҲУҚУҚИДАН МАҲРУМ ҚИЛИШГА ҲЕЧ КИМ ҲАҚЛИ ЭМАС

Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг ажралмас ҳуқуқи бўлиб, қонун билан ҳимоя қилинади. Унинг мазмуни шундаки, ҳеч қимни атайлаб ҳаётдан маҳрум қилиб бўлмайди. Шунингдек, яшаш ҳуқуқи давлат зиммасига инсон ҳаёти хавф остида қолмаслиги учун ҳамма нарсани қилиш мажбуриятини юклайди.

Ушбу норма Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги конвенцияда, шу билан бирга, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқро пактда ҳам назарда тутилган. Шахснинг яшаш ҳуқуқи айнан тутилган пайтдан бошлаб вужудга келадиган табиий ва дахлсиз ҳуқуқ, деб эътироф этилади ҳамда у давлатчилик ва қонунлар мавжудлигидан қатъи назар, шахсга тегишлидир.

Шу сабабли аҳолидан келиб тушган кўллаб тақлифлар таҳлил қилиниб, ушбу масалага доир нормани янада такомиллаштиришга қарор қилинди. Янги тахрирдаги Конституцияда яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг ажралмас ҳуқуқи экани ва у қонун билан муҳофаза қилиниши, инсон ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир жиноятлиги мустаҳкамлаб қўйилмоқда. Шу билан бирга, Ўзбекистонда ўлим жазоси тақиқланиши ҳақидаги норма ҳам киритилаётган.

Аслида, Ўзбекистонда 2008 йилда барча жиноятлар учун ўлим жазоси бекор қилинган. Бу қоида Конституцияда эмас, балки жиноят қонунчилигида ўз аксини толаган эди. Ўлим жазоси тақиқланишининг конституциявий даражада белгиланиши инсон ҳаётдан ҳатто давлат ҳам маҳрум этишга ҳақи эмаслигини кафолатлайди.

Шунга қарамай, айрим фуқаролар ўлим жазосини тиклаш, уни жиноят қонунчилигига қайта киритиш ҳақидаги тақлифларни илгари сурмоқда. Ваҳоланки, яшаш ҳуқуқини ҳар бир инсонга давлат эмас, Яратганининг ўзи ато этган. Шу жиҳатдан қараганда, ўлим жазосига Конституция даражасида тақиқ қўйилиши инсон қадрини улуглаш билан боғлиқ муҳим воқеядир.

Бугунги кунда дунёнинг қатор мамлакатларида ўлим жазоси ҳалиям қўллаб-қувватлаш тизими ижросидан муайян мўддат ўтган, тақдим этилган далиллар, кўрсатмалар асосида оқланганлик ҳолатлари ҳам кузатиладиган ҳолатлар ҳам мавжуд. Бироқ тайинланган жазо ижроси таъминлангандан сўнг бу инсон ҳаётини ортага қайтаришнинг имкони бўлмайди.

Демак, номўкамал суд тизимидаги бир ҳато инсоннинг умрига зомин бўлиши мўмкин. Чунки эртага суд оқлов ҳукми чиқарадиган бўлса, ноҳақ айбланган инсонни ортага қайтариб бўлмайди. Инсон зоти учун ўлим ҳукми чиқарилиши одамийлик мезонларига тўғри келмайди, албатта. Ваҳоланки, сўнгги йилларда мамлакатимизда кўзатиладиган жиноят ишлари юзасидан бир қанча оқлов ҳукмлари ҳам чиқарилмоқда (масалан, судлар томонидан сўнгги беш йилда 4700 дан ортқ фуқаро оқланган).

Кечиримлилик — халқимизга хос фазилат. Давлат ҳато қилган фарзандини кечирувчи ота-она сингари ўз фуқароларига қайта имконият тақдим этиши жуда муҳим. Бу фуқаронинг давлатга ишончи ва меҳрини ҳис этишида муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Жиноят қилган инсонни жазолашдан мақсад уни қайта тарбиялаш, ҳатоларини англаб етишига эришиш. Кўпчилик жиноятга адашиб қўл уради ва бошқа ҳеч қачон бу ишни қайтармаслиқка виждонан аҳд қилади. Бундай инсонларни панжа-орта ортда ушлаб туришдан нима наф? Озодликка чиқсин, сидқилдан ишлаб, ота-онаси, яқинлари, маҳалла-қўй, жамият олдидаги айбини ювсин.

Шу сабабли ҳам сўнгги йилларда маҳкумларни афв этиш ва қайта ижтимоийлаштириш сиёсати амалда ижобий натижалар бермоқда. Давлатнинг раҳбар томонидан 2017 йилдан буён афв этиш билан боғлиқ 21 та фармон имзоланди. Мазкур фармонлар асосида жазо мўддатини ўтаётган 5550 дан зиёд шахс афв этилди.

Давлат ва жамият томонидан ушбу тоифадаги кишиларни манзилли кўллаб-қувватлаш тизими яратилган. Президентимизнинг тегишли қарорига мувофиқ, 2022 йил сентябрь ойидан бошлаб комиссия ҳулосаси асосида жазонини ўтаб бўлган соқиб маҳкумларга МХЭКМнинг 10 баробари миқдорда дастлабки ижтимоий-моддий ёрдам пакети бериладиган бўлди. Уларнинг тадбиркорлик лойиҳаларини молиялаштиришда кўмак кўрсатилмоқда.

Афв замирида нафақат кечиримлилик, балки юксак инсонпарварлик мужас-са. Негаки, афв этилган шахсларнинг оила аъзолари, яқинлари ҳам бундай инсонпарварлик муносабатидан баҳраманд бўлади. Адолатли жамиятда айбдорни жазого тортишдан мақсад уни янада ашаддийлаштириш эмас, балки тўғри йўлга қайтариш, жамиятнинг тўлақонли аъзосига айлантириш.

Шундай экан, ушбу тажрибани Конституцияда белгилаб қўйиш барча учун манфаатли бўлади. Афв этилган бир инсон ортда унинг яқинлари, оила аъзолари, дўстлари, қариндошлари ва яна қанча инсонлар турганини унутмаслик керак. Бу орқали кўллаб инсонлар кўнглида давлатга нисбатан ишончни мустаҳкамлаш мўмкин.

Шу жиҳатдан, Конституцияга киритилаётган ўзгаришда нафақат ўлим жазоси бекор қилиниши, балки қатъий равишда тақиқланиши ҳам белгиланмоқда. Давлатимиз ўта жиддий бу масалада ҳеч қачон ортга қайтмаслигини, инсонпарварлик ғояларига содиқ эканини бутун дунёга яққол намоён этмоқда. Бугунги кунда 106 давлатда ўлим жазоси барча жиноятлар учун бекор қилинган. Маълумотларга қараганда, бугунги кунда 54 та давлатда ўлим жазоси мавжуд. Айрим давлатлар эса ўз тажрибасида ўлим жазосини қонунлар билан бекор қилса-да, Конституциясида бўлмагани боис, уни жазо сифатида қайта тиклаш ҳолатлари ҳам кузатиладиган. Масалан, Беларусь ўлим жазосини қўллашни тиклади. Унга кўра, мансабдор шахс ёки ҳарбий хизматчи томонидан давлатга хиёнат қилганлик учун ўлим жазоси қўлланилиши мўмкин.

Бироқ демократик ва инсонларга юларини олий қадрият даражасига кўтарган ақсариёт давлатларда ўлим жазоси бекор қилинган. Бу борада юртимиздаги ҳуқуқий ўзгаришлар эса демократик ислохотлар ва инсонпарварлик йўлида собит эканимизнинг яққол ифодасидир.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганга ўттиз йилдан ошди. Бу давр мобайнида олиб борилган тизимли ислохотлар, қабул қилинган қонунлар йил сайин такомиллашиб, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга, инсон кадрини улуғлашга, ҳар бир инсон учун муносиб ҳаёт тарзини шакллантиришга, халқ фаровонлигига эришишга хизмат қилмоқда.

АДОЛАТ УСТУВОР ЮРТ ФАРОВОН БЎЛАДИ



Абдукамол РАХМОНОВ,
"Адолат" СДП Схёсий Кенгаши
раиси ўринбосари

Мамлакатимиз йил сайин тараққий этиб, ривожланиб, дунёдаги энг илгор мамлакатлар қаторига чиқиб бормоқда. Албатта, мамлакат ривожланган сайин Конституция ва қонун ҳужжатлари такомиллашиб, унинг янада ривожланиши учун ҳуқуқий механизмлар яратилиши лозим.

Шу нуқтани назардан, кўп миллатли халқимизнинг хоҳиш-иродаси билан янгиланаётган Конституция Ўзбекистон жамиятининг эволюцион ривожланишидан келиб чиқаётган ҳаётий зарурат бўлиб, мамлакат, миллат ва халқ манфаати, ҳар биримизнинг фаровон ҳаётимиз ва бахтли келажгимиз йўлида қўйилган улкан қадамдир.

Муҳими, Конституцияни янгилаш ташаббускори халқимиздир. Халқ вакиллари – Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенат аъзолари, сиёсий партиялар ва бошқа жамоатчилик вакилларидан иборат ташкил топган Конституциявий комиссия томонидан:

Биринчи босқичда **"Менинг Конституциям"** шiori остида аҳолининг фикр ва мулоҳазалари, тақлифлари тўпланди ва мутахассислар томонидан сараланди;

иккинчи босқичда расмий равишда умумхалқ муҳокамасига қўйилиб, минглаб ватандошларимизнинг тақлиф ва тавсиялари асосда такомиллаштирилди;

учинчи босқичда **Қонунчилик палатаси, Конституциявий суд ва Сенат муҳокамаларига киритилди ҳамда мукамал тайёрланган "Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий қонуни лойиҳаси умумхалқ овози – Референдумга қўйиш ҳақида қарор қабул қилинди.**

Бир сўз билан айтганда, Бош қомусимизнинг янги лойиҳаси том маънода халқ Конституцияси сифатида яратилди. Ундаги моддалар сони амалдаги 128 тадан 155 тага, нормалар сони 275 тадан 434 тага ошди. Яъни, лойиҳада Асосий қонуни матнининг қарийб 65 фоизи халқимиз, айниқса, аёллар ва ёшлар томонидан билдирилган тақлифлар асосида такомилга етказилди.

Конституциянинг 1-моддасида Ўзбекистон – суверен, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлат экани қатъий белгилаб қўйилмоқда. Бу нормалар социал-демократик нормалар бўлиб, инсон ҳуқуқларига олий мақом берадиган, барча инсонларни ижтимоий ҳимоя қиладиган ва қонун олдида ҳаммининг тенглигини таъминлайдиган олий даражадаги ҳуқуқий механизм бўлиб хизмат қилади.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, "Адолат" социал-демократик партиясининг асосий мафқурасига ҳамоханг бўлган "Ҳуқуқий давлат" тушунчасининг

Конституциядан ўрин олиши советлар даврида топталган ва мустақиллик йилларида тикланган инсон кадрини янада улуғлаш, ҳимоя қилиш ва шахсий ҳаёт дахлсизлигини мукамал таъминлашга қаратилган сай-ҳаракатлардир.

Ҳуқуқий давлат – бу Конституция ва қонунлар устувор бўлган, миллатидан, irqидан, танасининг рангидан, жинсидан, келиб чиқишидан, диний ва дунёвий қарашларидан, мансаб даражаси ва моддий имкониятларидан қатъий назар ҳар бир инсоннинг ҳуқуқи ва эркинликлари, шаъни ва кадр-қиммати олий қадрият, деб тан олинадиган, эътироф этиладиган, ҳурмат қилинадиган мамлакатдир.

Шу сабабли, янгиланаётган Конституцияда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари давлат ва жамият манфаатларидан устун қўйилмоқда. Давлат органлари ҳамда мансабдор шахсларнинг фақат ва фақат фуқароларнинг манфаатларини кўзлаб фаолият кўрсатишига асос солинмоқда. Қонун ҳужжатларидида эътиборини боғлаб қўйилган инсон фойдасига ҳал бўлиши шарт ва зарур, деб белгиламоқда.

Айниқса, ҳар бир инсоннинг шахсий дахлсизлиги, ҳуқуқий дахлсизлиги, мулкий дахлсизлиги кафолатланмоқда. Жумладан, шахс суднинг қарорисиз 48 соатдан ортқ мuddат ушлаб турилиши мумкин эмаслиги конституциявий даражада белгиламоқда. Бу норманинг халқаро эътироф этилган "Хабмас корпус" институти сифатида Конституциямиздан ўрин олиши шахс дахлсизлигининг кафолати бўлиб, ҳеч қим қонун ҳужжатларига асосланмаган ҳолда тергов ва суриштирув органлари томонидан ҳибсга олиниши, қамқоқ сақланиши мумкин эмаслигини ифодалайди.

Шунингдек, халқаро ҳуқуқ нормаларидан яна бири **"Миранда қонунга"** ҳам Конституциямиздан ўрин олмоқда. Унга кўра, шахс гумонланувчи, айбланувчи ёки судланувчи тарихида илк бор ушланиш чоғида унинг ҳуқуқлари қуйидаги мазмунда тушунтирилиши лозим бўлади: **"Сиз суқут сақлаш ҳуқуқига эгасиз. Сиз берган курастмаларнинг барчасидан судда ўзингизга қарши фойдаланилиши мумкин. Суқор жарæнида адвокатингиз қатнашиши мумкин. Агар адвокат хизматида фойдаланиш имкониятига эга бўлмасангиз, сиз давлат томонидан адвокат билан таъминланасиз. Ҳуқуқларингизни тушундингизми?"** Хуллас, шахсни ушлаш чоғида унга расмий тилда эмас, тушунарли тилда унинг ҳуқуқлари ва ушлаб турилиши асослари тушунтирилиши шарт эканлиги назарда тутилмоқда.

Шахс ўзининг айбсизлигини исботлаши шарт

эмас, исталган вақтда суқут сақлаш ҳуқуқидан фойдаланиши мумкин. Шу сабабли унга суқут сақлаш ҳуқуқи берилмоқда. Айбдорликка оид барча шубҳалар гумон қилинувчи, айбланувчи ёки махфумнинг фойдасига ҳал қилиниши кераклиги белгиламоқда. Агар шахсининг ўз айбини тан олганлиги унга қарши ягона далил бўлса, у айбдор деб топиллиши ёки жазога тортилиши мумкин эмас. Шахс ўзига ва яқин қариндошларига қарши гувоҳлик беришга мажбур эмас.

Шунингдек, ҳар қимнинг ёзишмалари, телефон орқали сўзлашувлари, почта, электрон ва бошқа хабарлари сир сақланиши ҳуқуқига эга эканлиги белгиламоқда. Бундай ҳуқуқларнинг чекланишига ёки уй-жойда тинтув ўтказишга фақат суднинг қарори асосида йўл қўйилади.

Янгиланаётган Бош қомусимизда ўлим жазоси конституциявий даражада тақиқланмоқда. Маълумки, инсон дунёга яшаш учун келади. Шу боис, ҳар бир инсоннинг яшаш ҳуқуқи Конституция даражасида ҳимоя қилинмоқда. Тўғри, мамлакатимизда 2008 йил 1 январдан бошлаб жиноят қонунчилигидан ўлим жазоси бутунлай олиб ташланган, унинг ўрнига умрбод ёки узоқ мuddатга озодликдан маҳрум этиш жазоси жорий этилган эди. Эндидида ўлим жазосини тақиқлаш конституциявий даражада белгилаш инсонни ҳаётдан ҳатто давлат ҳам маҳрум этишга ҳақли эмаслигининг мукамал кафолатидир.

Конституциямизда **"Ўзбекистонда ўлим жазоси тақиқланади"** деган норманинг қатъий белгилаб қўйилиши инсон ҳуқуқларига содиқлигини, инсон қадрини улуғлашга қўйган катта ва залворли қадамимизни яққол намоен этмоқда. Бу норманинг киритилиши, табиятнинг гўлтожи бўлган инсон умри инсонпарвар Янги Ўзбекистонда олий мақом олиб, мутлақо дахлсиз бўлаётганлигидан далолат беради.

Хулоса ўрнида эътироф этилиши жоизки, Конституциявий ислохотларнинг энг асосий устувор вазифалари – инсон манфаатини тўғридан-тўғри ва самарали ҳимоя қилишга, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг, шаъни ва кадр-қимматининг, шахсий, мулкий ва маънавий дахлсизликларининг сўзсиз таъминлишига қаратилганлиги билан эътиборга молик. zero, Конституция ҳамда қонунлари адолатли ва устувор юртнинг халқи фаровондир!

31-МОДДА.

Ҳар бир инсон шахсий ҳаётининг дахлсизлиги, шахсий ва оилавий сирга эга бўлиш, ўз шаъни ва кадр-қимматини ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга.

Ҳар қим ёзишмалари, телефон орқали сўзлашувлари, почта, электрон ва бошқа хабарлари сир сақланиши ҳуқуқига эга. Ушбу ҳуқуқнинг чекланишига фақат қонунга мувофиқ ва суднинг қарорига асосан йўл қўйилади.

Ҳар қим ўз шахсига доир маълумотларнинг ҳимоя қилиниши ҳуқуқига, шунингдек, нотўғри маълумотларнинг тузатилиши, ўзи тўғрисида қонунга хилоф йўл билан тўплаган ёки ҳуқуқий асосларга эга бўлмайд қолган маълумотларнинг йўқ қилиниши талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Ҳар қим уй-жой дахлсизлиги ҳуқуқига эга.

Ҳеч қим уй-жойга унда яшовчи шахсларнинг хоҳишига қарши кириши мумкин эмас. Уй-жойга киришга, шунингдек, унда олиб қўйиши ва кўздан кечириши ўтказишга фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибда йўл қўйилади. Уй-жойда тинтув ўтказишга фақат қонунга мувофиқ ва суднинг қарорига асосан йўл қўйилади.

ЎҚИТУВЧИ ШАЪНИ ДАВЛАТ ҲИМОЯСИДА

1992 йил 8 декабрда Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилиниши нақадар муҳим воқеа бўлган бўлса, бугун янгиланиб бораётган мамлакатимизга ҳамоханг тарзда Бош қомусимизга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳам шунчалик долзарб масала эканлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди.

Қолаверса, ўтган қисқа давр мобайнида мамлакатимизда рўй бераётган ўзгаришлар, янгиланишлар, шу билан биргаликда халқимизнинг юксалиб бораётган кенг дунёқараши натижасида барчамизнинг кўз олдимизда Янги Ўзбекистон буй кўрсатмоқда. Ривожланишга ҳамоханг тарзда ижтимоий муносабатлар ҳам ўзгариб бормоқда. Бу, ўз навбатида, уларни тартибга солувчи қонунчилик нормаларини ҳам янгилашга ҳаётининг тулдирмоқда.

Албатта, жамият эҳтиёжларидан келиб чиқиб илгари сурилган барча гоа ва ташаббуслар "Инсон – жамият – давлат" тамойили асосида амалга оширилаётган ислохотларни изчил давом эттиришга ҳамда "Инсон қадри учун" деган эзгу гоани тўла рўёбга чиқаришга хизмат қилади.

Хусусан, янгиланаётган Конституциянинг 52-моддасида:

"Ўзбекистон Республикасида ўқитувчининг меҳнати

жамият ва давлатни ривожлантириш, соғлом, баркамол авлодни шакллантириш ҳамда тарбиялаш, халқнинг маънавий ва маданий салоҳиятини сақлаш ҳамда бойитишнинг асоси сифатида эътироф этилади.

Давлат ўқитувчиларнинг шаъни ва кадр-қимматини ҳимоя қилиш, уларнинг ижтимоий ва моддий фаровонлиги, касбий жиҳатдан ўсиши тўғрисида ғамхўрлик қилади", дея белгилаб қўйилмоқда.

Ушбу модда партияимизнинг Сайловда дастуридаги **"Биз ўқитувчилар ҳуқуқий мақомини янада кўтаримиз, уларнинг иш ҳақи ва ижтимоий мавқеини оширишга қаратилган ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирларни амалга оширамиз ва шу мақсадда**



Ориф ШУКУРОВ,
Жиззақ вилояти Кенгаши раиси

"Ўқитувчининг мақоми тўғрисида" алоҳида қонун қабул қилиниши тақлиф қилинган, деган гоёсига ҳамоҳанглиги барча партиядошларимизни бирдек қувонтирди.

52-моддада белгилаб берилган нормалар педагог ҳодимларни жамиятда ижтимоий қўллаб-қувватлашни, ўз касбий фаолиятини амалга оширишда уларнинг ижтимоий мақоми ва обрўсини ошириш учун ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитлар яратилиши, шунингдек, ўз ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини амалга ошириш учун кафолат беришга хизмат қилади.

Шундай экан, давлатимиз раҳбари бошчилигида мамлакатимиз тараққийоти ва халқимизнинг фаровон ҳаёт кечириши йўлида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотларни янада жадаллаштириш лозимлиги барабар конституциявий ислохотларни ҳам амалга оширишда ҳеч биримиз бефарқ бўлмасдан, фаоллик кўрсатишимиз ва шу орқали мамлакатимиз тараққийоти янги босқичига қадам қўйишда ҳамда Янги Ўзбекистон бунёд этишда ўзимизнинг муносиб ҳиссамизни қўйишимиз лозим.



Адвокатура мақоми мустаҳкамланмоқда



Нурлибай ҚАЙБЕРГЕНОВ,
"Адолат" СДП Қорақалпоғистон Республикаси
Кенгаши раиси

Ана шу мақсадларни амалга оширадиган қонун ҳам келди. Юртбошимизнинг ташаббуси билан Янги Ўзбекистонда кучли ижтимоий ҳимояга асосланган фуқаролик жамиятини барпо этиш борасидаги муҳим ислохотлар амалга оширилмоқда. Ушбу ислохотлар замирида инсон шаъни ва кадр-қиммати аксини топган.

Янгиланаётган Конституциянинг қонун лойиҳасининг 141-142-моддалари жисмоний ва юридик шахсларга малакали юридик ёрдам кўрсатиш учун адвокатура фаолиятни такомиллаштиришга, адвокатура фаолиятини қонунийлик, мустақиллик ва ўзини ўзи бошқариш принципларига асосланган. Эндидида Бош қомусимизда **"Адвокат ўз касбий вазифаларини амалга ошираётганда унинг фаолиятига аралашшига йўл қўйилмайди"**, деган жумланнинг ўзи бу соҳада нафақат адолатли иш тизимининг йўлга қўйилишини, балки фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлашда ҳуқуқий асос яратилаётганлигини кўрсатади.

Конституциявий ислохотларнинг зарурати ва моҳиятини англаб, ўзгариш ва янгиланишларга бефарқ бўлмаган ҳолда, ютдошларимизнинг давлат ва жамият тараққийоти дахлдорлик хисси билан ёндашаётганлари алоҳида эътирофга лойикдир.

Ишонимизки, Янгиланаётган Конституция кўп миллатли халқимиз учун янги имкониятлар эшигини очади.

Инсон қадри бош мезон



Фармон АЛЛАЕВ,
Тошкент вилояти кенгаши раиси в.в.б

Янги таҳрирдаги Конституцияда мамлакатимизнинг узоқ мuddатли тараққийоти, халқимизнинг эртанги фаровон ҳаёти учун мустаҳкам ҳуқуқий асос ҳамда ишончли кафолат сифатида Ўзбекистон "суверен, демократик, ҳуқуқий ва ижтимоий давлат" эканлиги алоҳида белгиламоқда.

Албатта, барча ўзгаришлар замирида мустақиллигимизни асраб-авайлаш ва янада мустаҳкамлаш, келажак авлодларга овоз ва эркин Ватан қолдириш, халқ манфаатлари кўзланган ислохотлар йўлидан ортага қайтмаслик, қонун ва адолат устуворлиги, инсонга эътибор ва ғамхўрлик каби муҳим қадриятлар мужассам бўлиб, улар давлатчиликнинг тамал тошлари сифатида мустаҳкамланмоқда. Ҳужжатда мамлакат ривожини, эртанги кунни, мухтасар айтганда, инсоннинг ҳақ-ҳуқуқлари, миллат ҳаётининг давомийлигини таъминлашга қаратилган миллий стратегиямиз ўз ифодасини топган.

Мисол учун, Янги таҳрирдаги Конституциянинг 48-моддаси **"Ҳар қим соғлигини сақлаш ва малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга. Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тиббий ёрдамнинг кафолатланган ҳажмининг қонунида белгилаб берилган тартибда давлат ҳисобидан олишга ҳақли. Давлат соғлиқни сақлаш тизимини, унинг давлат ва нодавлат шакллари, тиббий сўғуртаниш хар хил турларини ривожлантириш, аҳолининг санитария-эпидемиологик оқойишталигини таъминлаш чораларини кўради. Давлат жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, аҳоли ўртада соғлом турмуш тарзини шакллантириш учун шарт-шароитлар яратди"**, деган ҳаётини норма билан мустаҳкамлаб қўйилди.

"Инсон қадри учун" тамойили Конституцияда, қонуналаримизда ва давлат идоралари фаолиятида бош мезон бўлиши шарт. Шу боис Конституция лойиҳасида инсоннинг шаъни ва кадр-қиммати дахлсиздир ҳамда ҳеч нарса уларни қамситиш учун асос бўлиши мумкин эмаслиги белгиламоқда. Таълим олиш ҳуқуқи ва имконияти нагайтирилади, ўқитувчилар конституциявий мақомга эга бўлади. Олий таълим ташкилотларига академик эркинлик берилиши, танлов асосида давлат ҳисобидан бепул олий маълумот олиниши, нодавлат таълим ташкилотлари қўллаб-қувватланиши тўғрисидаги қонунлар ёш авлод ҳаётини яхшилаш, уларнинг орзу-интилишларини рўёбга чиқариш, замонавий мутахассисликларни эгаллаган ҳолда ҳаётда ўз ўрнини топиши ва шахсий ривожланиши учун имконият яратеди.

Низомиддин Шомийнинг "Зафарнома" асарида Амир Темури бобомизнинг қуйидаги сўзлари келтирилади: **"...ўз қудратини сақлаш учун мен бир қўлимда адолат шамини ва иккинчи қўлимда безгарзлик шамини тутиб, ҳар иккала шам билан бутун умр бўйи ўз йўлиمنى ёритиб юрдим. Барча қилмишларимда ана шундай адолат қондиларига ривоя қилдим"**.

Мамлакатимизда Учинчи Ренессанс пойдевори қўйилаётган бир даврда буюқ саркарданинг ҳар бир ўтиги, илм-марифат ва адолат борасидаги сабоқлари улкан мақсадларимиз йўлини ёритаётгани, Янги Ўзбекистон пойдеворида мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилаётгани аини ҳақиқатдир.

Бир сўз билан айтганда, янги таҳрирда қабул қилинадиган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси адолат тамойилларига асослангани билан аҳамиятлидир.

Кутлов

Ёшлар парламенти аъзоларига

Мамлакатимизда жорий йилнинг январь-февраль ойларида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ҳузуридаги Ёшлар парламенти аъзолигига бўлиб ўтган сайловда иштирок этган барча салоҳиятли, кучли, ташаббускор, шижоатли, Ватаним равнақи учун ўз ҳиссамни қўшаман, деярли ўн йил турсан ёшларимизга ўз миннатдорлигини билдириб, ўзаро соғлом рақобат асосида Ёшлар парламенти аъзолигига сайланганларни самимий муборакбод этаман.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ёшлар масалалари бўйича Республика комиссияси томонидан ўтказилган йиғилишда Ёшлар парламентига сиёсий партиялардан сайланган номзодлар Республика комиссияси томонидан тасдиқланди.

Ёшлар парламенти биринчи қақриқ аъзоларига икки ярим йил давомида кўрсатган фаолликлари, юртимизда қонун устуворлигига эришиш, ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда бефарқ бўлмасдан, ўз аъзолигида иқтидорли ёшларни бирлаштириб,

мамлакатимиз келажаги йўлида қилган хизматлари учун алоҳида миннатдорлик билдираман. Сизлар Ёшлар парламенти биринчи қалдирғочлари сифатида ёдга олинасиз. Барчангизга келгуси фаолиятингизга омад ва зафарлар тилаймиз. Юксак марраларга эришганингизни кўриб, сизлар билан фахрланайлик.

Ёшлар парламенти янги сайланган аъзоларига юртимиз тараққиёти йўлида бирлашиб, биргаликда, ҳамжиҳатликда фаолият юритиб, янада улкан натижаларга эришишингизга ишонаман. Зеро, сизлар, энг ташаббускор, кенг дунёқараш, чуқур билим, тафаккур ҳамда лидерлик қобилиятига эга бўлган, турли йўналишларда Ватанга садоқат билан хизмат қилиб, таълим олиб келаётган ўғил-қизларсизлар. Юртимизнинг сиздан умиди жуда катта.

Барчангизга омад ёр бўлсин, қадрли Ёшлар парламенти аъзолари!

Баҳром АБДУҲАЛИМОВ,
«Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши раиси



Фаол ёшлар иштирокида очик мулоқот ўтказилди



Тадбирда партия Сиёсий Кенгаши раиси Баҳром Абдуҳалимов сайлов босқичларидан муваффақиятли ўтиб, Ёшлар парламенти аъзоси бўлишдек юксак ишончга сазовор бўлган ёшларни самимий табриқлаш баробарида уларнинг олдига турган энг муҳим вазифалар, хусусан, бугунги кундаги муҳим сиёсий жараён – Ўзбекистон Республикаси Референдуми олдидан жойларда ташкил этилаётган тарғибот-ташвиқот тадбирларида янгилаётган Конституция мазмун-моҳиятини аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида кенг тарғиб қилиш, шунингдек, Ёшлар парламенти фаолиятида келгуси авлоднинг манфаати, ҳақ-ҳуқуқлари ва камолотига дахлдор янги ташаббуслар ва таклифларни юзга чиқариш, жойларда ёшларнинг муаммо ҳамда таклифларини ўрганган ҳолда қонунчиликка янги таклифларни киритиш борасидаги фикр ва тавсияларини бериб ўтди.

Шунингдек, партия раҳбарияти, фаоллар, экспертлар ҳамда партиянинг «Ёш адолатчилар» қаноти аъзолари иштирокида тизимли равишда сиёсий-ўқув тадбирларини мунтазам ташкил этиб, Ёшлар парламенти аъзоларининг билим ва малакаларини доимий ошириб бориш, аъзолар фаолиятини мувофиқлаштириш борасидаги вазифалар белгилаб олинди.

Гибрид тарзда (бир вақтнинг ўзида ҳам офлайн, ҳам ZOOM платформаси орқали онлайн тарзда) ташкил этилган тадбир давомида республикамизнинг турли ҳудудларидан сайланган Ёшлар парламенти аъзолари ўзларининг ёшлар масалаларига оид қатор ташаббус, таклиф ва фикр-мулоҳазаларини билдириб ўтишди.

Очик, конструктив руҳда ўтган мулоқот якунида тадбир иштирокчилари Ёшлар парламенти янги аъзоларига келгуси фаолиятларида улкан зафарлар тилади ҳамда уларга ёшларга оид қонун ижодкорлиги, жамоатчилик назорати ҳамда ёшларимизнинг ҳуқуқий ва сиёсий саводхонлигини янада юксалтириш, шунингдек, партия Сайловолди дастурида илгари сурилган мақсад ва вазифаларни ҳаётга тадбиқ этишда катта ҳисса қўшишларига ишонч билдирилиб, партиянинг Ишонч ёрликлари топширилди.

«Адолат» СДП Матбуот хизмати



79-МОДДА.

Давлат ёшларнинг шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий, экологик ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлайди, уларнинг жамият ва давлат ҳаётида фаол иштирок этишини рағбатлантиради.

Давлат ёшларнинг интеллектуал, ижодий, жисмоний ва ахлоқий жиҳатдан шаклланиши ҳамда ривожланиши учун, уларнинг таълим олишга, соғлиғини сақлашга, уй-жойга, ишга жойлашишга, бандлик ва дам олишга бўлган ҳуқуқларини амалга ошириш учун шарт-шароитлар яратади.

ЁШЛАР ПАРЛАМЕНТИ АЪЗОЛАРИ САЙЛАНДИ

Хабарингиз бор, жорий йилнинг январь-февраль ойларида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ҳузуридаги Ёшлар парламенти аъзолигига сайлов бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ҳузуридаги Ёшлар парламенти аъзолигига «Адолат» СДП томонидан сайланган ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ёшлар масалалари бўйича Республика комиссиясига тавсия этилган ёшлар рўйхати эълон қилинмоқда.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ҲУЗУРИДАГИ ЁШЛАР ПАРЛАМЕНТИНИНГ ЯНГИ ТАРКИБИ

 Ҳақимбаев Дадахан Айбекович ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ 3-ЭЛЛИҚАЛҒА САЙЛОВ ОКРУТИ	 Маҳмудов Муродилло Элмурод ўғли АНДИЖОН ВИЛОЯТИ 19-ХОРТУМ САЙЛОВ ОКРУТИ	 Бектаев Исломжон Бахтиёржон ўғли АНДИЖОН ВИЛОЯТИ 22-ЖАЛАҚУДУҚ САЙЛОВ ОКРУТИ	 Майдонов Санжар Садуллоевич БУХОРО ВИЛОЯТИ 26-ИБН СИНО САЙЛОВ ОКРУТИ	 Тўхтаев Хуршид Улуғбекович БУХОРО ВИЛОЯТИ 31-ВОБКЕНТ САЙЛОВ ОКРУТИ
 Ҳамроев Истамжон Уктам ўғли НАВОЙ ВИЛОЯТИ 38-НАВОЙ САЙЛОВ ОКРУТИ	 Ақбарова Нозима Отабек қизи НАМАҒАН ВИЛОЯТИ 43-ДУСТИК САЙЛОВ ОКРУТИ	 Усмонхўжайев Аббосбек Акмалжон ўғли НАМАҒАН ВИЛОЯТИ 48-ТУРАҚУРҒОН САЙЛОВ ОКРУТИ	 Жалилова Мухлиса Зафаржон қизи САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ 57-СУҒДИЁНА САЙЛОВ ОКРУТИ	 Аъзамов Дилнур Ўлмас ўғли САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ 66-НУРОБОД САЙЛОВ ОКРУТИ
 Тоғаймуродова Зухраҳон Шухрат қизи САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ 67-ПАСТАДҒОМ САЙЛОВ ОКРУТИ	 Омонов Жасурбек Абдулазиз ўғли СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ 74-ЯНГИЁР САЙЛОВ ОКРУТИ	 Усмонов Соhibжон Пиримқул ўғли СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ 75-БОЁВУТ САЙЛОВ ОКРУТИ	 Турсунов Судурхон Абулқосим ўғли СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ 82-ШҲҲҲ САЙЛОВ ОКРУТИ	 Долмуродова Додар Нуриллаевна ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ 98-ЯНГИЙҮЛ САЙЛОВ ОКРУТИ
 Абдувалиев Достонбек Турсунали ўғли ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ 103-ҚҲҲҲ САЙЛОВ ОКРУТИ	 Тешабоев Ақбаршох Адхамжон ўғли ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ 106-БАҒДОЛ САЙЛОВ ОКРУТИ	 Қурязова Тўхтажон Рўзмамат қизи ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ 121-ХОНҚА САЙЛОВ ОКРУТИ	 Бўронов Бехруз Қахрамон ўғли ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ 128-НИШОН САЙЛОВ ОКРУТИ	 Туташев Бекзод Алишер ўғли ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ 135-ҒҲҲ САЙЛОВ ОКРУТИ
 Тўхтаев Сардор Сулстон ўғли ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ 137-МУБОРАК САЙЛОВ ОКРУТИ	 Рахмонова Гулхай Ихтиёр қизи ТОШКЕНТ ШАҲАР 141-ТЕМИРЙҲҲ САЙЛОВ ОКРУТИ	 Мирзараҳматов Мирсулстон Миродил ўғли ТОШКЕНТ ШАҲАР 147-ТУҚИМАЧИ САЙЛОВ ОКРУТИ	 Абидов Хасанходжа Алишерович ТОШКЕНТ ШАҲАР 149-ҚҲҲ САЙЛОВ ОКРУТИ	

2023

Сафдошларимизни билдирилган юксак ишонч билан барча «Адолат»чилар номидан муборак этиб, ёшларга оид қонун ижодкорлиги, жамоатчилик назорати ҳамда ёшларимизнинг ҳуқуқий ва сиёсий саводхонлигини янада юксалтиришда, шунингдек, партия Сайловолди дастурида илгари сурилган мақсад ва вазифаларни ҳаётга татбиқ этишда катта ҳисса қўшишдек масъулиятли фаолиятларида улкан зафарлар тилаймиз!

Мамлакатимизда карвонбоши университет дея эътироф этилган дорилфунунимиз илмий мактаблари билан машхур. Мавжуд илмий мактаблар билан бир қаторда яна бир ажиб мактаб яратилган. Бу маънавий ва маърифат мактабидир. Сиёсий фанлар доктори, профессор Қахрамон Куронбоев ва филология фанлари номзоди, доцент Тўлқин Эшбекнинг "Миллий университет: маънавий ва маърифат сарчашмаси" ҳамда "Ахборот сабоқлари" деб номланган электрон тўпламлари бу даргоҳда чинакам маънавий ва маърифат мактаби яратилганини кўрсатади.

Рамзиддин АБДУСАТТОР,
Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети Журналистика факультети «Жамоатчилик билан алоқалар ва реклама» кафедраси мудири, филология фанлари номзоди, доцент

МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ —

Ўзбекистон мустақилликка эришган дастлабки кунларда биз қандай орзу-умидлар билан яшаганмиз? Йиллар давомида тафаккуримизда қандай ўзгариш ва эврилишлар юз берди? "Ахборот сабоқлари" тўпламини мутлоқ қилган ўқувчи ана шу саволларга жавоб толади.

Республикамиз ҳаётининг барча соҳаларида юз бераётган ўзгаришлар ҳақида талаба-ёшларга ахборот бериб бориш тизимини ривожлантириш, уларнинг сиёсий онги ва ижтимоий фаоллигини янада ошириш, юртимиз тинчлигига раҳна солаётган турли бузғунчи ғояларга қарши иммунитетни шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Талабаларни зарур ахборот билан мунтазам таъминлаб бориш ғоят жиддий ва таъбир жоиз бўлса, кўп меҳнат талаб этадиган мушкул ма-

сала. Бундай масалаларни ижобий ҳал этишнинг ишончли йўли — талаба қа-лбига йўл топишдир. Бунга интерфаол сўхбату мулоқотлар орқали эришилади. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг тегишли қарори ва буйруғига биноан Миллий университетнинг барча ўқув гуруҳларида ҳафтада бир марта 45 дақиқа "Ахборот соати" ва 45 дақиқа "Мураббийлик соати" ўтказилиши йўлга қўйилгани ва унинг самараси мазкур тўпланда атрофлича таҳлил қилинган.

— *Сўнги йилларда талабалар ҳаётида маънавий-маърифий тадбирларимиз муҳим аҳамият касб этмоқда, — дейди УзМУ Журналистика факультети декани Маҳлиё Мирсоатова. — Дарсдан бўш пайтларида талабалар мусиқа, рассомлик, адабиёт, театр ва санъатнинг бошқа турлари билан шугул-*

ланишлари учун тўғарақлар ташкил этилган. Буғунги ёшлар ҳаётини компьютер технологиялари ва интернетсиз тасаввур этиб бўлмайди. Шунинг учун ўқув биноларимиз билан бир қаторда талабалар турар-жойлари ҳам етарли даражада интернетга уланган компьютерлар билан таъминланган. Ёшларнинг спорт билан шугулланишлари учун ҳамма шариоатлар муҳайё. Китобхонлик маданиятини такомиллаштириш учун талабалар турар-жойларида алоҳида кутубхоналар ташкил этилди. Ўзбекистон Езувчилар уюшмаси билан ҳамкорликда таниқли езувчи-шоирлар билан тез-тез учрашувлар ўтказиб туриш ўзига хос анъанага айланган. Шундан илҳомланиб ижода қилқан ёш қаламкашларнинг шеър-ҳикоялар тўпламларини нашр этиб бо-

риш йўлга қўйилмоқда. Талаба қизлари тикувчилик, чеварлик ва бошқа касб-хунарга ўргатиш учун ҳам тегишли шариоатлар яратилмоқда. Яна бир эътиборли жиҳати шундаки, университетимиз профессор-ўқитувчилари ва иқтидорли талабалардан иборат ижодий-тарғибот гуруҳи сўнги икки йил мобайнида Қорақалпоғистон Республикаси, Сурхондарё, Хоразм, Сирдарё вилоятлари, Тошкент шаҳри таълим муассасаларида қатор тадбирлар ўтказишди.

Юқорида номлари қайд этилган электрон маърифий қўлланмаларда УзМУ тарихи ва фаолиятига оид муҳим маълумотлар қайд этилган. Чунинчи, мазкур университет дастлаб 1918 йил 12 май кун Туркистон мусулмонлари халқ дорилфунуни номи билан ташкил этилган. Шундан сўнг до-

рилфунун турли даврда турфа номлар билан атаиб келинган. 1918 йил 31 майдан таълим муассасасининг махсус газетаси "Халқ дорилфунуни" чиқа бошлаган. Тўрт ой давомида унинг жами 15 та сони босилган. Бу газета собиқ шўро даврида ўзбек тилида чоп этилган дастлабки газеталардан бири ҳисобланади. Университетни илк бор тамомлаганларга биринчи диплом 1921 йилда берилгани ҳам ўзига хос қизиқ тарихдир.

1920 йилдан Туркистон давлат университети, 1923 йилдан Ўрта Сиёё давлат университети, 1960-2000 йилларда Тошкент давлат университети деб аталган бу маскан 2000 йил 28 январдан

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети деб номланган.

Мустақиллик йилларида ушбу масканда етук мутахассис-кадрлар тайёрлаш, ёш авлоднинг интеллектуал салоҳиятини ошириш даражаси тобора ортиб бораётгани эътироф этилмоқда. Узоқ ва давоми, шу билан бирга, ша-рафли тарихий йўлни босиб ўтган Миллий университетнинг ҳаёти Ўзбекистон тарихи билан чамбарчас боғланиб кетган. Ватанимиз қандай машаққатли ўсиш ва юксалиш жараёнларини бошидан кечирган бўлса, уларнинг барчаси ушбу билим даргоҳи тимсолида акс этади.

Айтиш жоизки, сўнги 5-6 йил мобайнида университетда юз бераётган улғувор ишлар ҳам йиллар, асрлар силсиласида ўзига хос тарихга айланиб қолиши табиий ҳол. Шундай экан, буғунги улғувор воқелиқлар ҳақида ҳам юқоридаги каби китоблар, электрон манбалар яратиш бориш ҳам фарз, ҳам қарзидир.



ТАЛАБАГА ЖУФТ ҚАНОТ БЎЛАДИ

Депутат бонг уради



АЖРАТИЛГАН МАБЛАҒ САРФЛАНГАН БЎЛСА,

СУВ ҚАНИ?..

Субхонали НИШОНОВ,
халқ депутатлари Сўх туман Кенгаши депутати

Сўх тумани доимо ўзининг хушманзара табияти билан ажралиб турган. Худудни ривожлантириш, маҳаллалар ободлиги, барча соҳалардаги ўзгаришлар, янги биноларнинг қурилиши, албатта, унинг тароватини янада оширади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 8 августдаги "2020-2021 йилларда Фарғона вилоятининг Сўх туманини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-4798 сонли қарорини ўқиганимда, шундай бўлишига ишонганман.

Бу ҳужжат биз учун, ҳар бир сўхлик учун ниҳоятда аҳамиятли. Чунки 2020 йили Сўхдаги қўшни Қирғизистон билан кечган нохуш воқеалар айнан ичимлик суви сабабли юзага келган. Давлатимиз раҳбари ичимлик суви ва бошқа муаммоларни бартараф этиш учун мазкур ҳужжатни имзолаган.

Ҳужжат билан танишганимдаёқ, насиб бўлса, қурилиш, ободон-

лаштириш ишларидан сўнг туманимиз кўрки янада ошади, деб ўйлагандим. Афсуски, бундай бўлмади. Президент қароридан туманининг "Офтобру", "Тул", "Хушёр", "Қақир", "Қарир-Себзор", "Сариканда", "Ҳазрат Али", "Равон", "Янгиарик", "Навобод", "Ленбург", "Қалача", "Ғазнов", "Сўх", "Чашма", "Демурсад", "Шарқобод" МФЙлари худудида яшовчи 59 минг нафар аҳолини ичимлик сув би-

лан таъминлаш мақсадида 274 км. ичимлик сув тармоғи тортиш, 30 та ичимлик сув иншооти қуриш ва реконструкция қилиш белгиланган эди. Шунингдек, туман сув таъминоти корхонасига 4 та техника воситаларини ажратиш кўзда тутилган.

Мазкур ишлар амалга оширилиши учун 58 миллиард сўм ажратилган. Маблағ вилоят "Янги авлод" масъулияти чекланган жамиятига ўтказилган ва ишлар 2020-2021 йилларда амалга оширилиши белгиланган. Мина афсуслар бўлсинки, бу ишлар ҳали ҳам "қоғоз"да ётибди.

Уч йил давомида сўхликлар ичимлик суви билан боғлиқ масалада ўзгариш бўлиши, керакли ишлар амалга оширилишини кутишди. Лекин ҳеч нарса ўзгармади. Охир оқибат худудимизнинг гуллаб-яшнаши учун 2022 йил 17 октябрь кунги сес-

Уч йил давомида сўхликлар ичимлик суви билан боғлиқ масалада ўзгариш бўлиши, керакли ишлар амалга оширилишини кутишди. Лекин ҳеч нарса ўзгармади. Охир оқибат худудимизнинг гуллаб-яшнаши учун 2022 йил 17 октябрь кунги сессияда VI-61-101-11-159-К/22 сонли Кенгаш қарори билан 50 миллиард сўм маблағ ажратилишига эришдик. Лекин у ҳам исзис йўқолди. Бирон бир маҳаллада ишлар охирига етказилиб, аҳоли ичимлик суви билан таъминланмади.

сияда VI-61-101-11-159-К/22 сонли Кенгаш қарори билан қурилиш ва реконструкция ишларини якунига етказиш учун қўшимча 50 миллиард сўм маблағ ажратилишига эришдик. Лекин у ҳам исзис йўқолди. Бирон бир маҳаллада ишлар охирига етказилиб, аҳоли ичимлик суви билан таъминланмади.

Президент қарорига бундай ёндашувни қандай изоҳлаш керак? Мазкур МЧЖ раҳбари Муроджон Аҳмедов билан кўп бора боғланишга, белгиланган вазифа ижроси юзасидан маълумот олишга ҳаракат қилдик. Лекин бирор бир самара бўлмади. Пуллар худди сув кумга сингиб кетгандек, на амалда ижроси бор, на бир бажариллиш режаси...

Энди нима қилиш керак? Вилоятимизда бу саволга жавоб берадиган бирор мутасадди топилармикан?!

Ибрат

Аждодлар сабоғи

Бир эр хотинининг олдида кирса, у йиғлаётган экан. Йиғи сабабини сўраганида, хотин:

— Рўмолсиз турганимда дарахт устидаги қуш кўриб қолди. Бу Аллоҳга нисбатан гуноҳ содир қилиш, — деди.

Эри хотинидаги ифбатдан ва Аллоҳдан кўрқидан шод бўлди ва эртасига болта олиб келиб, дарахтнинг кесиби ташлади. Эр бир ҳафтадан кейин уйига ишдан барвақт қайтса, хотини бегона эркак қўйнида ётган эди.

Эркак ҳеч нарсага эътибор бермасдан, барча нарсаларни йиғиштирди-да, шаҳарни тарк қилди. Йўл юриб, узоқ бир шаҳарга етиб келди.

Қараса, одамлар подшоҳ қасри олдида тўпланиб туришган экан. Эркак улардан тўпланишгани сабабини сўради. Одамлар:

— Подшоҳнинг хазинаси ўғирланди, — деб айтишди.

Шу аснода эркак оёқлари учиди эҳтиёт бўлиб юриб кетаётган қарияни кўриб қолди.

— Бу ким? — деб сўради у.

Одамлар:

— Чумолиларни босиб, гуноҳкор бўлиб қолишдан хавфсиз раб, оёқлари учиди юрадиган қария, — дейишди.

Шунда эркак:

— Аллоҳга қасам, бу қария ўғридир. Сизлар мени подшоҳга олиб боришлар, — деди.

Подшоҳга олиб боришгач, эркак унга:

— Хазинангизни ўмарган аниқ шу қариядир. Агар айтганим тўғри чиқмаса, калламини танамдан жудо қилаверинг, — деди.

Шундан кейин аскарлар қарияни олиб келишди. Текширувлар оқибатида қария ўғри эканини тан олди.

Подшоҳ эркакдан:

— Бу қариянинг ўғри эканини қаердан билдинг? — деб сўради.

Шунда эркак:

— Эҳтиёткорлик ва фазилатли сўзлар ҳаддан ошиб кетса, билингки, унинг ортида қандайдир жиноят яширинган бўлади, — деб жавоб берди.

МАҲМУД ЗАМАХШАРИЙ

ҳикматлари

- ✓ *Пора фақат ноҳақлигу золимларга ёрдам берувчидир.*
- ✓ *Ўтқир қилчнинг бошига тушадиган зарбаси баъзи нодонларнинг ҳукми остида мутеъ-итоатда бўлиб юришдан афзалдир.*
- ✓ *Ҳақиқат ва адолат билан тўғри сиёсат юргизмаган ҳар бир раҳбар ва бошлиқ қаттиқ азоб-уқубат ва ба-лога гирифтор бўлур.*

"Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши партиянинг Жиззах вилоят кенгаши раиси ўринбосари Жасур Қаршиевга отаси **Эркин ота ҚАРШИЕВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

ADOLAT
SOTSIAL-DEMOKRATIK PARTIYASI

Муассис:
«Адолат» СДП
Сиёсий
Кенгаши

Бош мухаррир: Ислом ХАМРОЕВ

Таҳрир хайъати:

Баҳром АБДУҲАЛИМОВ
Наримон УМАРОВ
Мухаммад АЛИ
Гавхар АЛИМОВА
Мухаррам ДАДАХОДЖАЕВА
Қодир ЖўРАЕВ

Зухра ИБРАГИМОВА
Тошпўлат МАТИБАЕВ
Тальят МУРОДОВ
Абдуқамол РАҲМОНОВ
Умиджон СУЛАЙМОНОВ
Собир ТУРСУНОВ
Шухрат ЯКУБОВ

Бўлимлар:

Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — 71 288-46-54 (149); 71 288-42-14 (144);

Котибиат — 71 288-42-12 (132);

Ахборот, ҳуқуқ ва хатлар бўлими — 71 288-42-12 (141) факс; 71 288-42-14 (132); 90 900-72-15

Қабулхона — 71 288-42-14 (132); 90 900-72-15

Реклама бўлими — 71 288-42-14 (132); 90 900-72-15

Масъул котиб — Абдугани Соликов
Навбатчи мухаррир — Саодат Раҳимова

1995 йил 22 февралдан чика бошлаган

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган. Қоғоз бичими А-2. Ҳажми — 3 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Буюртма Г — 400

НАШР
КЎРСАТКИЧИ: 100

Адади — 6220
Босингга топширилган вақти — 21.00
Босингга топширилди — 21.10
Баҳоси келишилган нархда
Таҳририятга келган қўлэмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририй жавобгар эмас.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди.
Қорхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 5 6